



ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ТАРМОҚЛАРИДА ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Буюк Британиянинг собиқ Бош вазири, Глобал ўзгаришлар институти раиси Тони Блэрни қабул қилди.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни экспертлик жиҳатидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Глобал ўзгаришлар институти билан амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Тони Блэр Янги Ўзбекистондаги изчил ва кенг қўламли трансформация жараёнларига юксак баҳо берди. Яқинда бўлиб ўтган

Тошкент халқаро инвестиция форуми юртимиз инвестициявий жозибadorлигини мустахкамлаш, ишбилармонлик aloқаларини ривожлантириш ва истиқболли ташаббусларни илгари суриш учун самарали халқаро майдон бўлгани эътироф этилди.

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, етакчи

халқаро технологик компаниялар ва йирик стратегик инвесторларни жалб этиш ҳамда рақамли трансформация жараёнларини жадаллаштириш, жумладан, илгор инновацион ечимларни жорий қилиш келгусидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ ЎРТАСИДА САВДО-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 июнь куни Америка Қўшма Штатларининг Савдо вакили Жеймисон Грирни қабул қилди.

Учрашув аввалида вакил мамлакатимиз етакчисига АҚШ Президенти Дональд Трампнинг самимий саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини, аввало, савдо-иқтисодий соҳада янада мустахкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ишбилармонлик aloқалари фаоллашгани,

ўзаро товар айирбошлаш ва инвестиция кўрсаткичлари барқарор ўсиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Яқинда бўлиб ўтган Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Америка бизнеси вакиллари билан ўтказилган давра суҳбатининг амалий натижалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши доирасида ҳамкорлик

қилиш ва ушбу жараёнлар келгусида ҳам АҚШ томонидан қўллаб-қувватланишига aloҳида эътибор қаратилди.

Янги лойиҳавий ташаббусларни аниқлаш ва илгари суриш учун Америка — Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестиция кенгаши механизmidан самарали фойдаланиши муҳимлиги қайд этилди.

ЎЗА

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ СОҲАСИ СИФАТ, СТАНДАРТ ВА НАРХ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ЕЧИМ ТАКЛИФ ҚИЛАДИГАН ТАРМОҚҚА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 25 июнь куни қурилиш материаллари тармоғида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари асосий масалага ўтишдан аввал ўтган ҳафта юксак савияда ўтказилган бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми якунларига тўхталди. Форум доирасида хорижий ҳамкорлар билан 43 миллиард долларлик 177 та келишувга эришилгани таъкидланди.

— Ҳар бир келишув лойиҳага, иш ўрнига, юқори қўшилган қийматга айланиши шарт, — деди Президентимиз.

Мутасаддиларга хорижий инвесторлар томонидан билдирилган 120 та таклифнинг ечими бўйича қарор лойиҳасини киритиш топширилди. Умуман, тармоқ қайси тармоқни қандай ривожлантириш, қайси лойиҳага инвестиция олиб келинса, энг юқори самарадорликка эришиш мумкинлигини аниқ ҳисоб-китоб қилиши кераклиги қайд этилди.

Сўнгги беш йилда юртимизга киритилган жами инвестициянинг ярми 4 та ҳудуд ҳиссасига тўғри келган. Лекин жалб

➤ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида очиқлик ва ошкоралик тамойилларини мустахкамлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, Янги Ўзбекистондаги демократик

ислохотлар, янгиланиш жараёнлари ва эришилаётган ютуқларни кенг ёритишдаги катта хизматлари, замонавий журналистика учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Абдуллаев Фарход Бадалович — “Севибли” телеканалининг “Эслаб, эслаб” лойиҳаси бошловчиси

Казакбаев Тулкун Мухитдинович — Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, ёзувчи ва публицист

➤ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИ” ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз истиқлолининг миллий давлатчилигимиздаги роли ва Янги Ўзбекистонимизнинг бугунги ҳамда келгуси тараққиётидаги аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллигини мамлакатимизнинг улкан салоҳияти ва жаҳон майдонидаги юксак нуфузига муносиб тарзда нишонлаш учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Мустақиллик — мард ва олижаноб халқимизнинг қатъий иродаси, истиқлол йўлида кураш олиб борган фидойи аждодларимизнинг жасорати ва матонати билан қўлга киритилган, Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган эзгу ишларимизнинг асоси, келажак авлодларимиз учун безавол етказишимиз шарт бўлган буюк ва муқаддас қадриятдир.

Айнан истиқлол туфайли янгиланган конституциямиз ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси асосидаги тараққиёт йўлимиз юртимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инсон қадр-қимматини улуғлаш, жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, дўстлик ва ҳамжихатлик муҳитини мустахкамлаш, буюк тарихимиз ҳамда миллий

урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, минтақамизда яхши қўшничилик муносабатларини қарор топтириш, мамлакатимизнинг халқаро обрў-эътиборини юксалтиришда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунинг учун ҳам амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида юртимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончи ортмоқда, онгу тафаккури ва дунёқараши янгиланмоқда.

Бу борадаги ишларимизни изчил давом эттириш ва янги босқичга кўтариш, шунингдек, мамлакатимиз мустақиллигини мустахкамлаш, унинг иқтисодий қудрати ва салоҳияти, жаҳон майдонидаги нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган, ўзининг кўп йиллик фидокорона меҳнати, юксак касбий маҳорати ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки билан эл-юрт хурматиға

сазовор бўлган ватандошларимизни муносиб тақдирлаш мақсадида:

1. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1- ва 2-илваларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишонлари ҳамда уларнинг гувоҳномалари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.Ш. Мирзиёева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2026 йил 25 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 25 июндаги ПФ-118-сон фармониға 1-шлова

“Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустахкамлаш, унинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофعا қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадлари дахлсизлиги ва халқимиз осийишталлигини таъминлаш, демократик ислохотларни рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшган, Янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли aloқаларни янги босқичга кўтариш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувликни, тинчлик ва барқарорликни асраш, инсон қадрини улуғлаш борасидаги ишларда сидқидилдан хизмат қилаётган, кўп йиллик самарали меҳнати билан халқимиз

фаровонлигини юксалтириш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояға етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келётган юртдошларимиз, барча соҳалар вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланади.

2. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари, вазирлик, идора ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, бунга вакил қилинган бошқа шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларға эсдалик нишони билан бирға унинг гувоҳномаси берилади.

4. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони кўракининг чап томониға давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 25 июндаги ПФ-118-сон фармониға 2-шлова

“Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони ТАВСИФИ

Олд томони

Орқа томони



“Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликда олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Эсдалик нишонининг умумий баландлиги 58 миллиметрни ташкил этади.

Эсдалик нишонининг марказида, диаметри 24,5 миллиметрли доира ичида “Янги Ўзбекистон” боғида жойлашган “Истиқлол” мажмуаси тасвирланган бўлиб, унинг фонида Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази ва Самарқанддаги янгиланган Имом Бухорий мажмуаси акс эттирилган.

Эсдалик нишонининг юқори қисмида баландлиги 2,5 миллиметр бўлган “O‘ZBEKISTON MUSTAQILLIGINING”, ўртасида баландлиги 9,5 миллиметр бўлган “35” рақами ва қуйи қисмида баландлиги 2,5 миллиметр бўлган “YILLIGI” ёзуви, унинг икки томонида эса дафна япроқлари акс эттирилган. Ёзувлар ва япроқлар зарҳалланган.

Нишонининг орқа томони марказида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган. Унинг пастки қисмида мустақилликнинг ўттиз беш йиллигини ифодаловчи “1991-2026” рақамлари ёзилган. Гербнинг диаметри 24 миллиметр, рақамларнинг баландлиги 2,6 миллиметр.

Эсдалик нишони илгакчалар ва ҳалқача ёрдамида тўртбурчак шаклидаги қадағичға уланган.

Қадағичнинг эни — 24 миллиметр, баландлиги — 16 миллиметр бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларидаги шойи лента билан қопланган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабарикдир.

Қадағичнинг орқа томониға эсдалик нишонини кийимға тақиб қийиш учун тўғноғи кўринишидаги мослама ўрнатилган.



27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни. Бу сана Ўзбекистон тарихида aloҳида ўрин эгаллайди. Зеро, ушбу кун миллатнинг ахборот маконидаги ўз ўрнини англаш, сўз эркинлиги йўлидаги ютуқларни кадрлаш ва келажак учун масъулиятни ҳис этиш кунидир.

➤ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ

ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН

БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Қурбонова Азиза Абдусабитовна — Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказининг ахборот тайёрлаш бўлими етакчи мутахассиси

Солиева Азизахон Турғуновна — Бувайда тумани “Бувайда кўзгуси” газетаси бош муҳаррири, Фаргона вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Атабекова Зухри — ижтимоий тармоқлардаги “Zuhta_buvi” саҳифаси асосчиси, блогер

Бирюков Валерий Васильевич — “ТАСС” ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири

Мустакимов Рим Мунирович — “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари таҳририяти катта мусаҳҳиҳи, Самарқанд вилояти

Наханов Жахонгир Агаярович — “Ishonch” ва “Ishonch-Doverie” газеталари бош муҳаррири ўринбосари

Суванов Лутфулла Хайруллаевич — “Янги Ўзбекистон” газетаси таҳририятининг ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳуқуқ бўлими катта мухбири

Тулегенов Шарафитдин Бакирович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” радиоканали халқаро таҳлилий дастурлар гуруҳи муаллифи-шаҳрловчиси

Ширмухамедов Дилшод Сағдуллаевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” ижодий бирлашмаси телеоператори

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Ризаев Муроджон Зияевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Sport” ижодий бирлашмаси футбол трансляцияларини уюштириш муҳарририяти шарҳловчиси

“Соғлом турмуш” медали билан

Хайитова Лайло Сатторовна — “Xabar.uz” интернет нашрининг Бухоро вилояти бўйича мухбири

“Келажак бунёдкори” медали билан

Мажидов Шохрух Ғолиб ўғли — “Kin.uz” интернет нашири мухбири

Мелиқўзиев Равшанбек Исомиддин ўғли — ижтимоий тармоқлардаги “Platina.uz” ва “Pinkod.uz” саҳифалари асосчиси, блогер

Тўлқинова Махлиё Озод қизи — ижтимоий тармоқлардаги “Sinchalak blog” саҳифаси асосчиси, блогер

Ўзбекистон Республикаси	Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	Тошкент шаҳри, 2026 йил 25 июнь	

КУЧИМИЗ — БИРЛИКДА, ЭРТАМИЗ

ЭСА ҲАМЖИХАТЛИКДАДИР

Қўхна ва навқирон Андижон замини қардош халқларни бирлаштириб, умумий маданий меросимизни бутун жаҳонга яна бир бор ёрқин намоён этмоқда. Андижон шаҳри 2026 йилда Туркий дунёнинг маданий пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан халқаро анжуман гоят юксак савияда, ўзига хос шукуҳ билан ўтаётир.



Сердар ЧАМ,
Туркия Республикаси маданият
ва туризм вазири ўринбосари

Ушбу нуфузли тадбир нафақат маданий байрам, балки барча туркий халқларни бирдамликка, ҳамжиҳатликка чорловчи, ўзаро дўстлик ва қардошлик алоқаларини янги, юқори чўққига олиб чиқувчи муҳим минбар бўлиб ҳам хизмат қилади. Бу тарихий жараённинг бевоcита гувоҳи бўлганимдан ҳамда мазкур нуфузли анжуманда иштирок этаётганимдан бағоят мамнунман.

Давлатлар ва халқлар ўртасидаги маданий дипломатияни мустаҳкамловчи, халқаро миқёсдаги бундай йирик анжуманлар туркий халқларнинг янада жипслашиб, аҳил-иноқ бўлиб яшаши, муштарак мақсадлар сари қатъий қадам ташлаши учун мустаҳкам замин яратади.

Мен қардош ўзбек халқини ва барча андижонликларни шаҳарнинг ушбу юксак мақомга муносиб қўрилгани билан чин кўнглимдан табриқлайман.

Шу ўринда яна бир тарихий-маданий воқеликни алоҳида эътироф этишни истардим. Буюк саркарда ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур юрти ворисларининг бетакрор миллий рақси “Гиннесснинг рекордлар китоби”га киритилгани бутун Ўзбекистон, қолаверса, туркий дунё учун ҳам катта ифтихордир. Бу миллий қадриятларнинг нақадар теран илдиз отганидан ва асраб-авайланаётганидан далолат беради.

Яратгандан сўрайманки, 2026 йил туркий дунёмиз учун осойишталик, саломатлик, барқарорлик ва фаровонлик йили бўлсин!

Ҳамжиҳатликда барчамиз умумий меросимиз, шонли тарихимиз ва бой маданиятимизни бутун дунёга кенг тарғиб этишга қаратилган халқаро ташаббусларни қўлаб-қувватлашга ҳамиша тайёرمиз. Зотан, бизнинг кучимиз — бирликда, келажагимиз эса ҳамжиҳатликдадир.



Санъат йўлида қарийб 45-50 йилдан буён ишлаб, бир қанча устозларни кўрдим. Шу устозларимиз ва уларга қўшилиб биз — шоғирдлар ҳам мақомга бугунги кундагидек эътибор қаратилишини орзу қилардик. “Қачон бизнинг ҳам елкамизга офтоб тегаркан, бизга ҳам алоҳида эътибор берилармикан?” дер эдик. Давлатимиз раҳбари лавозимга киришган дастлабки йилларданок илм-фан, маданият ва санъат ривожига жиддий эътибор қарата бошлади. Хусусан, мақом санъати тарихида ҳам туб бурилиш ясалди.

2017 йилда ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантиришга онд қарор қабул қилиниши соҳага янги қон бағишлади. Бебаҳо санъатимиз замонавий муносабатлар доирасида янгидан, қайта ривожлана бошлади. 2018 йилдан бошлаб республикамизнинг барча вилоятларида намунавий мақом ансамбллари ташкил этилиб, уларга ёш, билимдон ижрочилар жалб этилди ва тажрибали устозлар уларга таълим-тарбия бериб келмоқда.

Бунинг самараси яққол кўриниб турибди. Чунки авваллари аксарият ёшлар катта



ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ СОҲАСИ СИФАТ,

СТАНДАРТ ВА НАРХ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ЕЧИМ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИГАН ТАРМОҚҚА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Бунинг учун иқтисодийдаги 12 та тармоққа 14 та “ақл маркази”, 37 та соҳавий илмий институт ва олийгоҳлар номма-ном бириктирилди. Барча тармоқ раҳбарлига “ақл марказлари”, соҳавий илмий институт ва олийгоҳлар билан ҳар бир туман имкониятини ўрганиб, ялпи ҳудудий маҳсулот ўсишига катта туртки берадиган лойиҳалар тўпламини тайёрлаш топширилди.

Президентимиз қурилиш материаллари соҳасини қурувчининг ишончини қозонадиган, сифат, стандарт, ассортимент ва нарх бўйича комплекс ечим таклиф қиладиган тармоққа айлантириш лозимлигини таъкидлади.

Бундан 10 йил олдин маҳаллий қурилиш материаллари деганда асосан қум-шағал, гишт, цемент, ойна ва шифер тушунилар, бу эса қурилишда ишлатиладиган жами материалларнинг нари бораc 30-40 фоизини ташкил этар эди. Сўнгги ўн йилда соҳага 12 миллиард доллар инвестиция киритилиб, 4 мингдан ортиқ замонавий корхона ишга туширилди.

Натижада цемент, ойна, базальт, керамик буюмлар, газоблок, қуруқ қорیشмалар каби асосий турдаги 20 дан ортиқ маҳсулотларга бўлган ички талабни тўлиқ қоплайдиган қувватлар яратилди. Иссиқлик сақловчи, композит материаллар, экологик пардозлаш материаллари ва пол қопламалари каби юқори қўшилган қийматли янги йўналишлар жадал ривожланмоқда.

Бугунги кунда янги уй-жойлар ва саноат бинолари қурилиши учун зарур материалларнинг 98 фоизини мамлакатимизда ишлаб чиқариши йўлга қўйилди. Натижада ўтган даврда соҳада ишлаб чиқариш ҳажми 7 триллион сўмдан 53 триллион сўмга ошди, экспорт эса ўтган йили 1,2 миллиард долларни ташкил этди. Энг муҳими, тармоқ импорт ўрнини босишининг муҳим босқичидан ўтди.

Йил бошида аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича катта дастур қабул қилинган эди. Унга кўра, 2040 йилга қадар қуриладиган уй-жойлар сонини 2 қарра ошириб, йилига 280 мингтага етказиш, “Янги Ўзбекистон” масивларини 61 тадан 120 тага кўпайтириш режа қилинган.

Бундан ташқари, ҳар йили 20-25 миллион квадрат метр тижорат бинолари фойдаланишга топширилмоқда. Уй-жой ва тижорат биноларининг ўзи йилига камида 10 миллиард долларлик қурилиш материалларига талаб яратмоқда.

Тошкент халқаро инвестиция форумида хорижий ҳамкорларга яна 27 миллиард долларлик инфратузилма лойиҳалари таклиф қилинди. Жиззахда атом электр станцияси, Тошкент вилоятида 4-мис бойитиш фабрикаси, Ўрта Чирчиқда 20 миллион йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга Янги Тошкент аэропорти, Янги Тошкентда 55 минг ўринли футбол стадиони, 282 километрли Тошкент — Самарқанд автомобиль йўли каби йирик лойиҳаларда ҳам, биринчи навбатда, қурилиш материаллари зарур бўлади.

Бундай йирик лойиҳаларда фойдаланиладиган материалларга стандарт, сифат ва сертификат бўйича юқори талаблар қўйилиши табиий. Шу боис, йирик лойиҳаларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан боғлайдиган янги тизим яратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йирик ва мегалойиҳаларга сармоя киритаётган инвесторлар импорт материалларни олиб келишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилишни сўрамоқда. Шу билан бирга, бундай лойиҳаларга ўз маҳсулотини таклиф қилиш истагида бўлган маҳаллий корхоналар ҳам кўп. Улар қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёз маҳаллий маҳсулотларга ҳам қўллansa, сифат ва стандарт бўйича рақобатга тайёр эканини билдирмоқда.

Мутасаддиларга йирик ва мегалойиҳаларга импорт ҳамда маҳаллий маҳсулотларни етказиб беришда тенг шартини таъминлаш бўйича қарор лойиҳасини киритиш топширилди.

Йиғилишда ҳудудларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган икки йиллик дастур ижросига ҳам эътибор қаратилди. Дастур доирасида 34 та йирик туризм объекти, 1 мингдан ортиқ жойлаштириш воситаси, жумладан, 200 та меҳмонхона қуриш режа қилинган.

Ҳокимлар ҳудудларда барпо этилаётган меҳмонхоналарда маҳаллий материаллар улушини камида 95 фоизга етказиши зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимизда ҳар йили ўртача 65 минг якка тартибдаги уй-жой қурилкоқда, яна 200-250 минг хонадон таъмирланмоқда.

— Очиқ айтиш керак, ҳали кўпчилик энергия тежамкор материалларнинг афзалликлари ҳақида етарлича хабардор эмас, — деди Президентимиз.

Хонадонларни иситишнинг ўзига иқтисодийдаги жами газ истеъмолининг 20 фоизи, электр энергиясининг эса 11 фоизи сарфланмоқда. Агар уйнинг фасад ва том қисми иссиқлик сақловчи материал билан қопланса, энергия тежамкор ойна қўйилса, энергия сарфи 30 фоизгача камайди.

Бу борада Франция ва Буюк Британия компаниялари ишлаб чиққан янги лойиҳалаш ёндашуви асосида Қамаши туманида 4 минг хонадонли “Янги Ўзбекистон” массиви қурилкоқда. Мазкур лойиҳада тўлиқ энергия тежамкор маҳаллий маҳсулотлар ишлатилиб, таннарх 20 фоизга арзон тушади, уйни иситиш ва совитиш харажатлари 25-30 фоизга қисқаради.

Вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимларига Қамаши тажрибаси асосидаги янги лойиҳалаш ёндашувини ўрганиш топширилди. Жорий йилда Янги Ўзбекистон қиёфаси олиб кириладиган 33 та туман ва шаҳарда кўп қаватли уй-жойлар қурилиши фақат шундай ёндашув асосида амалга оширилиши белгиланди.

Экспорт масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Қўшни давлатлар йилига 13 миллиард долларлик қурилиш материалларини импорт қилмоқда. Марказий Осиё давлатларининг ўзига

экспортни қўшимча 440 миллион долларга ошириш имконияти борлиги таъкидланди.

— Бир нарсани билингла: ташқи бозорларда кучли рақобат, ҳар бир доллар учун кураш кетаётган ҳозирги шароитда экспортни кўпайтириш учун ноънанавий ечимлар керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Озарбайжон, Грузия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби мамлакатларда уй-жой ва тижорат объектлари қуриш бўйича катта дастурлар амалга оширилмоқда. Агар Ўзбекистон уй-жой қуриш бўйича ушбу давлатларнинг ишончли ҳамкорига айланса, бу электроника, уй текстили ва мебель корхоналари учун ҳам янги экспорт имкониятларини очади. Шу боис, масъулларга Боку, Тбилиси, Москва, Остона ва Бишкекда 3-4 тадан намунавий, энергия тежамкор уй моделини қуриб, road-show ўтказиш топширилди.

Соҳада энергия самарадорлигини ошириш масалалари ҳам муҳокма қилинди. Сўнгги ўн йилда қурилиш материаллари корхоналари фойдаланадиган шартли ёқилги ҳажми 2 қарра камайди. Тармоқдаги электр истеъмолининг 65 фоизи тўғри келадиган 34 та йирик корхонада энергия аудити ўтказилгани ҳисобидан ўтган йилнинг ўзидa 240 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалди.

Лекин бу ҳали етарли эмаслиғи қайд этилди. Вилоят ҳокимларига қурилиш материаллари корхоналарини технология модернизация қилиш орқали энергия сарфини камайтириш бўйича катта дастурни бошлаш топширилди. Бунда иситиш ва қуриш пеллари, тегирмонлар ва энергия сарфи юқори бошқа ускуналарни энергия тежамкорларига алмаштирган корхоналарга сўмдаги кредитнинг 7 фоизи, хорижий валютадаги кредитнинг 4 фоизи компенсация қилиб берилди.

Мамлакатимизда цемент, базальт, ойна, керамик плита каби маҳсулотлар бўйича яратилган қувватлар 2035 йилгача бўлган эҳтиёжларни қоплашга етарли. Энди инвесторларни бундай маҳсулотларни кўпайтиришга эмас, мавжуд қувватларни модернизация қилиб, юқори қўшилган қиймат берадиган лойиҳаларга жалб қилиш кераклиғи таъкидланди.

Қурилиш материаллари корхоналарига сертификат олиш билан боғлиқ барча харажатни тўлиқ қоплаб бевручи тизим мавжуд. Бу каби имконият бошқа бирорта тармоқда йўқ. Лекин бундай сертификатларнинг ягона маълумотлар базаси бўлмагани учун харидорлар кўпроқ ўзи билган, халқаро сертификатга эга чет эл товарларини танламоқда.

Мутасаддиларга маҳаллий ва хорижий сертификат бор қурилиш материалларининг электрон платформасини ишга тушириш, вилоят ҳокимлари билан бирга шу йилнинг ўзидa яна камида 50 та қурилиш материаллари корхонасига халқаро сифат сертификати олишда кўмаклашиш топширилди.

Йиғилиш давомида мутасаддиларнинг ҳисоботлари, қурилиш материаллари корхоналари вакилларининг таклиф ва ташаббуслари тинланди.

ЎЗА

МАҚОМДА МАҚОМИМИЗ

ЮКСАЛАВЕРСИН!



Абдулахад АБДУРАШИДОВ,
Ўзбекистон халқ артисти

ашуаларни айтмас эди. Бугун эса бундай ашуаларни маромига етказиб айтадиган ёшлар кўп. Буларнинг бари мақомни улуғлаш борасида қилинаётган ишлар ҳамда нуфузли халқаро тадбирлар натижа-сидир.

Мана, учинчи бор юртимизда, гўзал Наманганда ўтказилаётган мақом анжумани муносабати билан турли дунё давлатларидан вакиллар жам бўлиб турибди. Бунинг ортида қанчадан қанча машаққат турса-да, бундай меzbонлик шарафидан ғурурланмоқдамиз. Инсон қўли яратиши мумкин бўлган ҳайратомуз ижод намуналарини кўриб, маза қилаямиз. Гуллар шаҳри Наманганнинг “Янги Ўзбекистон” боғи маданият ва санъатимизни намоиш этадиган кўргазмалар билан янада файзли бўлиб кетди.

Бу йилги мақом анжумани доирасида халқаро миқёсдаги қатор мавзулар ва глобал масалалар кўриб чиқилгани биз

— соҳа вакилларини янада руҳлантирди. Пойтахтда замонавий мақом маркази очилишини айтганимиз, мақомчиларни рағбатлантириш мақсадида мукофот таъсис этилишини ёки алоҳида жамғарма ташкил этиш ташаббуси ҳақида гапирганимиз — буларнинг бари осонгина бўлиб қоладиган ишлар эмас. Шундай улугвор вазифалар ҳақида эшитиш насиб қилганига минг шукр. Президентимиз томонидан менга “Меҳнат шухрати” ордени берилишини эса нафақат ўзимга, балки бутун соҳа вакилларига кўрсатилган эътибор намунаси деб биламан. Мана шундай эътироф кўрсатилаётган бир пайтда, биз — мақомчилар нимага ишласлигимиз керак? Мана, энди давр келди, дея белимизни маҳкам боғлаб, бутун дунёга миллий мақомимиз доврўғини таратишимиз даркор.

Мақомотда “устоз-шоғирд” анъанасини жонлантириш ҳам биз — устозларнинг шарафли вазифамизга айланиши керак. Қаранг, энди Бухорода “Бузрук” мақоми, Самарқандда “Рост” мақоми, Хивада “Хоразм” ва “Ироқ” мақомлари, Қўқонда “Наво” мақоми, Шахрисабзда “Дутоҳ” мақоми ҳамда Тошкентда “Сероҳ” мақоми бўйича туризм кўчалари ташкил этиладиган бўляпти. Кафе ва ресторанлар, истироҳат боғлари ва хибобонларда мақом кўшиқлари доимий янграб туради. Бундай олжаноб ишлар, бутун бир халқнинг юрагидан жой оладиган хайрли ташаббуслар қачон бўлган?

Шундай экан, миллатимизнинг бетакрор маънавий мероси, мумтоз мусиқа санъатимиз гултожи бўлган мақомларимиз билан фахрлини бораберида уларни бойитишга ва келажак авлодга безавол етказишга ўз ҳиссамизни қўшайлик!

Журналистика келажаги: ишонч танқислиги асрида инсон ва технология мувозанати



Шерзодхон ҚУДРАТХУҲҲА, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, сиёсий фанлар доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда сўз эркинлиги, ахборот очикилиги ва медиа ривожланиши борасида жиддий ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ошаётган бугунги кунда профессионал, масъулиятли ва замонавий журналистика кадрларига эҳтиёж ҳар қачонгидан юқори.

Ўзбекистонда матбуот тарихи чуқур илдизларга эга. XX аср бошларида жадидлар ҳаракати вакиллари — Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат каби буюклар матбуотни халқни маърифатли қилиш, миллий онгни шакллантириш воситаси сифатида кўрган. Улар газета ва журналларни нафақат ахборот манбаси, балки миллатни уйғотиш қуроли деб билган. Маҳмудхўжа Бехбудий бир асрдан зиёдор муқаддам ёган эди: “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илмидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур”. Бу сўзлар бугун — рақамли трансформация даврида ҳар қачонгидан кўра долзарб.

Биз — уларнинг ворисимиз. Лекин бугунги журналистика олдиди бутунлай янги вазифалар турибди. Бир аср олдин масала ахборот етказиш бўлган. Бугун энг катта масала ишончини сақлаб қолишдир.

Мамлакатимизда сўз эркинлиги, ахборот очикилиги ва медиа ривожланиши борасида жиддий ислохотлар ўтказилмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ошаётган айти паллада профессионал, масъулиятли ва замонавий журналистларга эҳтиёж ҳар қачонгидан юқори. Абдулла Авлоний ёзганидек, “Ҳар бир миллатнинг дунёда борилини кўрсатадурган ойиной ҳаёти тил ва адабиётидур”. Бугун бу ойиная яна бир муҳим элемент қўшилди — медиа. Миллатнинг дунёдаги ўрни, обрўси ва овозини бугун медиа омалаштирмоқда.

Ахборот маконида бизни нима кутмоқда?

Инсоният тарихида ҳозиргача ахборот бунчалик тез ҳаракатланмаган. Янгилик сонияларда тарқалиб, дунё кезмоқда. Сунъий интеллект матн ёзмоқда, алгоритмлар аудитория кайфиятини бошқармоқда, ижтимоий тармоқлар эса классик ОАВ билан рақобатлашаётган янги медиа майдонига айланди. Бугун ҳожа ҳақидаги илк маълумотни журналист эмас, кўпинча тасодикий гувоҳ, блогер ёки алгоритм тарқатаяпти.

Мен ҳам бу ҳодисадан холи эмасман. Баъзида кечкурун иш кунини якунлаб, телефонни бир четта қўйиш ўрнига янгиликлар тасмасини айлантираман. Психологлар бу ҳолатни “янгиликлар кутуши синдроми” деб атамоқда. Унда одам салбий ахборотни ўқидан тўхтамай олмайдми, гўё тўхтаса, дунёдан орқада қолгандек туюлади. Бу бугунги аудиториянинг оммавий ҳолатидир. Алгоритмлар айнан шу заифликдан озиқланади.

Ўзбекистон фаол равишда жаҳон ахбороти оқимига қўшилмоқда. Рақамли медиалар сони ошди, мустақил интернет ресурслар ва блогосфера ривожланди, ахборот истеъмоли тузилмаси тубдан ўзгарди. Мамлакатимиз аҳолисининг 94,2 фоизи интернетдан фойдаланади. Ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари сони 14,1 миллионга етди — бир йилда 41,7 фоиз ўсди. Бу рақамлар нафақат ривожланиш кўрсаткичи, балки масъулият ҳажмини ҳам англатади.

Оксфорд университетининг Reuters Institute маълумотларига кўра, дунё бўйлаб ОАВларга ишонч даражаси атиги 40 фоизни ташкил этади. Бу журналистика учун жиддий сигнал: аудитория ахборотни шунчаки қабул қилмайдми — текширади, солиштиради, шубҳаланади. Шунинг учун айтиш мумкинки, журналистиканинг вазифаси ўзгарди. У энди фақат “нима бўлди?” деган саволга жавоб бермайдми. У “бу нима учун муҳим?”, “бунинг ортда нима бор?”, “қайси жараёнлар бу воқеага олиб келди?” деган саволларга ҳам жавоб топиши шарт. Бундай шароитда журналист олдидида энг катта вазифа тезлик ва

Мамлакатимизда сўз эркинлиги, ахборот очикилиги ва медиа ривожланиши борасида жиддий ислохотлар ўтказилмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ошаётган айти паллада профессионал, масъулиятли ва замонавий журналистларга эҳтиёж ҳар қачонгидан юқори.

ҳақиқат орасидаги мувозанатни сақлаб қолишдир. Чунки бугун энг қиммат ресурс нефть ҳам, технология ҳам эмас, балки ишончдир.

Бугун жаҳон медиа маконида бир нечта муҳим ёндашув шаклланимоқда, улар журналистиканинг келажагини белгилаб бермоқда.

Биринчиси, аудитория энди шунчаки янгиликни эмас, унинг ичидаги сабаб ва оқибатни қидиради. The New York Times ва The Guardian каби нашрлар бу йўналишда пешқадамлик қилмоқда — ҳар бир мақола нафақат воқеани ёритади, балки унинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий контекстини очиб беради. Материалнинг қиймати уни биринчи бўлиб чиқаришда эмас, балки уни тўғри тушунириш, очиб, таҳлил қилиб беришда.

Иккинчиси, solutions journalism, яъни ечимга йўналтирилган журналистика ҳам замон талаби. АҚШдаги Solutions Journalism Network бу ёндашувни ижтимоий муаммоларга жавоблар ҳақидаги пухта, далилга асосланган, танқидий ва фойдали журналистика сифатида таърифлайди.

Учинчидан, бугун сунъий интеллект журналистикада тобора фаол ўрин эгалламоқда. Associated Press агентлиги 2014 йилдан буюн СИ ёрдамида молиявий ҳисоботлар бўйича мақолалар ёзмоқда. The Washington Post газетаси Heliograf тизими орқали минглаб автоматик хабарларни чиқармоқда.

Лекин савол туғилади: СИ масъулиятни ҳис қила оладими? Жамиятдаги оғриқни тўғри англай оладими? Сунъий интеллект хабар ёзиши мумкин. Лекин интонация танлаш, жамоат манфаатини ҳисобга олиш, ахлоқий чегараларни ҳурмат қилиш — булар журналистнинг вазифаси.

Кадрлар тайёрлаш: университетнинг янги вазифалари

Ўзбекистонда журналистика таълимининг замонавий тизими бевосита Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва ташаббуси билан шаклланган стратегик ютуқдир. Университетимиз қисқа даврда катта йўлни босиб ўтди. Мамлакатимизга келган хорижлик экспертлар,



олимлар ва медиа мутахассислари Марказий Осиёда ягона ихтисослашган журналистика университети мавжуд экани, унинг халқаро илмий ва таълимий ҳамкорлик тармоғи, ЮНЕСКО стандартларига мос замонавий ўқув дастурларини қўриб, ҳайратини изҳор этади. Бир неча йилда бунёд этилган бу тизим Ўзбекистоннинг медиатаълим соҳасидаги ўзига хос моделдир.

Университет саккиз йилда оддий таълим муассасасидан медиатафаккурни шакллантирадиган илмий ва ижодий марказга айланди. Бугун ОТМда 6000 дан ортиқ талаба таҳсил олмақда. Утган 8 йилда 88 та илмий тадқиқот иши ёқланди. Университет 100 га яқин маҳаллий ва хорижий ташкилотлар, етакчи хорижий ОТМлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Биринчи курсдан медиа соҳасига шўнғиб, ишлаб кетаётган эпчил, қаҳқон талабаларимиз бор. Дипломни қўлга олмай туриб, журналист, контент яратувчи, медиа мутахассис бўлиб улгуради. Бу университетимизнинг энг катта ифтихори.

Бунди тушуниш учун атрофга назар солайлик. Ўзбекистон миллий терма жамоаси дунёнинг энг кучли жамоалари билан бир сафда футбол ўйнамоқда. Яқингача терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатида иштирок этиши фақат оруз эди. Бугун эса Ўзбекистон футбол гигантларига қарши майдонга тушиб, улар билан бир майдонда беллашмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг ислохотлар ҳақида гап кетар экан, шу қунарларда ташкил этилган V Тошкент халқаро инвестиция форумига тўхталиш лозим. Ушбу форумга 100 дан зиёд давлатдан меҳмонлар келди, 43 миллиард долларлик битимлар имзоланди. Мамлакатимиз иқтисодиятида ЯИМ қиймати 10 йил олдинги 38 миллиард доллардан 200 миллиард доллар қиймат томон шиддат билан оидимламоқда.

Демак, Ўзбекистон кучлилар қаторига қираётган бир даврда медиа ҳам янги даражага кўтарилиши шарт. Бугунги Ўзбекистон медиаси 10 йил олдингисидан

тубдан фарқ қилади ва бу фарқни яратган асосий куч изчил ислохотлардир. Давлат органлари фаолиятининг транспарентлиги, журналистларнинг иш шароити яхшиланиши, рақамли медиа ривож — буларнинг барчаси тасодиқ эмас, балки онгли ва изчил сиёсат самараси.

Иқтисодийёт, спорт, халқаро майдонда юқорига кўтарилаётган янги Ўзбекистон сўз эркинлиги ва медиа очикилиги бўйича ҳам халқаро рейтингларда ўз ўрнини мустаҳкамлаб бориши шарт. Чунки ҳақиқий тараққиёт иқтисодий рақамлар билан бирга фуқаро овозининг эшитилиши, журналистнинг эркин ишлаши, жамиятнинг ахборотга тўлиқ кириши имкониятидир. ЎЗЖОК эса янги Ўзбекистонга муносиб кадрлар тайёрлаш учун мунтазам фаолиятда. Университетда журналистика, ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар, халқаро муносабатлар, сиёсатшунослик, социология ва психология, 9 та хорижий тил филологияси, медиадизайн, медиамаркетинг, ижтимоий иш йўналишларида таълим берилмоқда.

Журналистика йўналишини ривожлантириш учун бугун университетда олтига устувор йўналишга эътибор қаратилмоқда. Улар рақамли журналистика кўникмаларини мустаҳкамлаш, танқидий тафаккур ва верификация маданиятини шакллантириш, ечимга йўналтирилган журналистика тамойилларини таълим жараёнига жорий этиш, халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш, медиа этикаси ва ижтимоий масъулиятни чуқурлаштириш, тадқиқот ва инновацияларни ривожлантириш.

ЮНЕСКО экспертлари билан ҳамкорликда журналистика йўналишидаги малакавий талабалар қайтадан қўриб чиқилди ҳамда ўқув режаларига замон талабларига мос янги фанлар киритилди. Айни пайтда дунёдаги нуфузли олий ўқув юрталарининг журналистика дастурлари атрофлича ўрганилиб, илгор тажрибаси миллий таълим тизимига мослаштирилди. Натижада рақамли журналистика, маълумотларни таҳлил қилиш, медиасаводхонлик, сунъий интеллектдан фойдаланиш ва ахборотни текшириш каби муҳим йўналишлар ўқув жараёнига жорий этилди. ЮНЕСКО билан давом этаётган ушбу ҳамкорлик университетимизни халқаро таълим стандартларига яқинлаштириш баробарида



миллий медиатаълимни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш имконини бермоқда.

Бироқ вақт тўхтаб турмайди ва бугунги ютуқлар эртанги кун учун кафолат бўла олмайдми. Замонамиз кутилмаган ва тезкор ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда. Бундай шароитда аҳолининг ахборотга муносабати тубдан ўзгарди: одамлар энди фақатгина воқеадан хабардор бўлишни эмас, балки унинг моҳиятини англашни, сабаб-оқибат занжирини тушунишни, келажаққа таъсирини баҳолашни талаб қилмоқда. Айнан шунинг учун янги авлод журналистларини тайёрлашда биз касбий малака доирасидан чиқиб, чуқур таҳлилий тафаккурни, юксак ижтимоий масъулиятни ва жамиятга садоқат билан хизмат қилиш руҳини шакллантиришга интиломоқчимиз даркор.

Хозирги рақамли даврда медиа фақат ахборот етказувчи восита бўлиб қолмапти — у янги авлоднинг дунёқарашини, қадриятлари, тафаккур тарзи ва ижтимоий муносабатларини шакллантирувчи муҳим муҳитга айланимоқда. Айниқса, зед, алфа ва энди шаклланиб келаётган бета авлодлари учун медиаҳаётнинг ажралмас қисми, қундалик мулоқот ва билим олиш майдонидир. Шу боис, бугун журналистика олдиди фақат ҳаққоний ахборот яратиш эмас, балки янги авлоднинг медиамуҳитда қандай улғайиши, қандай ахборот истеъмоли қилиши ва рақамли маконда қандай қадриятларини шакллантириши каби улкан масъулиятли вазифалар турибди.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида айнан шу йўналишларда илмий тадқиқотлар бошлал, зед авлод лабораториясини ташкил этдик. Университет олимлари рақамли медиамуҳитнинг болалар ва ёшлар онига таъсири, янги авлоднинг медиаий ҳулқ-атвори, ахборотни қабул қилиш ва баҳолаш маданияти ҳамда келажақдаги медиа тенденцияларини ўрганишга қаратилган илмий лойиҳалар устида ишламоқда.



МАТБУОТ — МУҚАДДАС МАЙДОН, БУЮК ИСЛОХОТЛАР КЎЗГУСИДИР

Даврий матбуот ва ижтимоий тармоқларда, долзарб мавзуга бағишланган матбуот анжуманларида фаол иштирокчи, ижод қилишдан бир зум тин олмас ёзувчи, журналист, мураббий Мухтор Худойкуловни танимаган, у кишининг ўғитларидан баҳра олмаган қалам аҳли кам топилса керак. Бир неча журналистлар авлоди билан елкама-елка меҳнат қилган, узоқ йиллар журналистика фанидан ёшларга сабоқ бериб келаётган устоз яна санокли ойлардан кейин 90 ёшни қаршилайди. Лекин ундаги ғайрат, шижоат, фидойилик аксариёт ёш авлод учун намуна дейиш мумкин.



27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, филология фанлари доктори, профессор Мухтор ХУДОЙКУЛОВ билан суҳбатда бўлиб, унинг даврий нашрларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, соҳани янада ривожлантириш йўлидаги ислохотлар ва уларнинг аҳамияти ҳамда моҳияти ҳақидаги фикрларини эъиб олдик.

Мухтор аканинг фикрларига қулоқ тутишдан аввал бир маълумотни айтиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Гап шундаки, Ўзбекистон мустақилликини қўлга киритган дастлабки йиллар бир гуруҳ зиёлилар томонидан мустақил давлат ўз миллий матбуоти кунига эга бўлиш керак деган қарашлар илгари сурилган эди. Устоз ўша пайтлари жадидлар ижоди мавзусига бағишланган илмий тадқиқот қилаётгани сабаб ҳар томонлама асосланган фикрни ўртага ташлаб, матбуотда қатор чиқишлар қилди. Мақолаларида ушбу кун учун “Тараққий” газетасининг илк сони чоп этилган сана — 1906 йил 27 июни белгиланиш тақлиф қилди. Сафдошлари уни қўллаб-қувватлади, ҳукумат эса бу тақлифни эътиборсиз қолдирмади.

— Мамлакатимиз миллий мустақилликка эришгандан кейин ижтимоий, сиёсий ҳаётимизга барча соҳаларда янгиликлар, янги ташаббуслар, янги қадамлар кириб келди. Шулардан бири юртимизда матбуот, оммавий ахборот воситалари кунини белгилаш ҳам кун тартибига чиқди, — дея гап бошлади Мухтор Худойкулов. — Турли фикрлар ўртага ташланди. Лекин бугун биз нишонлаётган сана кўпчилик наздида энг мақбули бўлиб қолди. Ҳар йили соҳамиз вакиллари байрам арафасида 35 йил аввалги ўша воқеалар, савй-ҳаракатлар эсимга тушади ва шу қунарларга етказгани учун қайта-қайта шукроналар айтаман.

Бугунги кунда матбуотнинг вазифалари, масъулиятини ошириб борапти. Чунки жамият кундан кунга тараққий этипти, ривожланиш жадаллашапти. Мана, сиёсий мустақилмиз, иқтисодий мустақилмиз, қарам эмасмиз. Энг муҳими, маънавий мустақилмиз. Буларни ҳар биримиз тўғри англашимиз, юртимизда юритилаётган ташқи ва ички сиёсат моҳиятини ҳис этиб, қўллаб-қувватлашимиз керак. Матбуотимиз ҳаётга яна ҳам чуқурроқ кириб бориши, халқимизга яна ҳам яқинлашиши лозим.

ОАВ — халқнинг овози

Журналист ҳамма нарсадан хабардор бўлсин, воқеаликни матбуотда тўлақонли акс эттирсин. Бунинг учун барча имкониятлар етарли. Давр матбуотида халқни тараққиётга, рақамлаштириш, медиа-конвергенция кириб келди. Натижада тан олиш керак, босма, даврий нашрларга ҳозир анча қийин. Лекин матбуотда газета ва журналларнинг алоҳида ўрни бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Мана, “Янги Ўзбекистон” газетаси каби нашрлар бугун жамият, халқ ичига кириб, мунтазам равишда ижтимоий, иқтисодий, маънавий мавзуларда бақувват таҳлилий мақолалар бериб келяпти. Тарихимиз, келажагимиз билан боглиқ масалаларни кўтараяпти.

Фаолиятим давомидида турли таҳририятларда ишладим, ҳозиргача талабаларга дарс бериб келаман, илмий иш қилдим, устозларим йўлини давом эттирдим, шоғирдлар тайёрладим. Буларнинг барчаси соҳа ривожига, тараққиётга оз бўлса-да улш қўшган бўлса, мен жуда бахтиёрман.

Талабаларга дарс бериш жараёнида бўлгуси журналистлардан матбуот назариясини, унинг функцияларини тўғри англашни талаб қиламан. Оддий айтганда, матбуот ижтимоий ҳаётни ўзида акс эттиради. Шу билан бирга, уни таҳлил қилади, баҳо беради, танқид қилади, йўл кўрсатади. Ёш ижодкорлар мана шу ҳақиқатни тушуниб олиши керак.

Матбуотда чиққан мақолада айтылган гаплар, агар у халқчил ва адолатли бўлса, шундай қилиб кетмай, ҳаётда қандайдир ўзгариш ясаши керак. Матбуотнинг кучи бирор тақлифингиз, ташаббусингиз амалга ошганида кўринади. Шунинг учун ҳозирги замон журналистларининг олдиди жуда катта

вазифалар турибди. Ҳар бир масалани жуда чуқур мулоҳаза, сиёсий онг, тафаккур билан ҳал қилиш талаб этилмоқда.

Бундан ташқари, матбуот тамойиллари деган муҳим тушунча ҳам бор. Яъни тамойиллар ўша функцияларни бажариш жараёнида амал қилиниши керак бўлган қондалардир. Матбуотнинг асосий тамойили — умумбашарийлик. Инсоният матбуотини ўйлаб топдимки, энди матбуот инсониятга хизмат қилиши керак-да. Одамзод нимани хоҳлайди? У соғ-саломат, тўқ, озод яшашни хоҳлайди. Шунинг учун халққа хизмат қилиш, халқнинг истак-хоҳишини, дардини, меҳнатини, орзусини, келажагини ўйлаб ишлашда биринчи қадамда журналист туради.

Матбуотнинг яна бир тамойили — ҳаққонийлик. Дунёда икки хил қараш бор: рост ва ёлгон. Рост воқеанинг моҳиятини тўғри очиб бериш. Ёлгон унинг моҳиятини атайлаб бошқача талқин қилади. Дунё матбуотида ана шу кураш узоқ йиллардан буюн давом этиб келмоқда. Ҳаққонийлик бўлмаса, журналистика учун зарар. Шунинг учун мутахассислар бугун, айниқса, ижтимоий тармоқларда фикр билдиришда эҳтиёткор бўлишни маслаҳат беради. Ноўрин айтилган битта сўз катта муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Матбуот ҳар қандай кўринишда муқаддас майдон, уни топташга йўл қўйилмайдми.

Турфа жанрлар керак

Даврий нашрларга муштарий эътиборини кўпроқ тортадиган жиҳат — жанрлар хилма-хиллиги. Ҳозир ахборот, таҳлил, интервью, репортаж, тақриз каби жанрлар ривожланди ва оммалашди. Аммо фельетон, очерк, танқид, памфлет, сатира ва юмор (ҳажвия), масал каби йўналишлар кўп ҳам кўзга ташланмапти. Масалан, мен бир пайтлар номзодлик ишим учун ҳажвий журналистика мавзусини танлаган эдим. Ҳажв, сатира ва юмор мавжуд айрим камчилик, нуқсон ва кусурларни баргараф этишининг энг таъсирчан воситаси. Ёки фельетон, памфлет жанрларини олайлик. Матбуот турфалиги учун улар ҳам керак.

Очерк ҳар томонлама ўрнатилган юртдошларимизни оммага танитиш, замонавий тилда айтганда, ёшларга мотивация бериш учун жуда қулай жанр. Афсуски, у ҳам журналист ижодкорлар эътиборидан наанада қоляпти. Улар ўрнини ҳозир тезкор жанрларга бўшатиб борапти. Балки замон шиддати шунга тақозо этаётгандир.

Ёш журналистларга

Ёш шоғирдларимга айтарим шуки, ҳамиша ўзингизда масъулият сезиб яшаң, ижод қилиң. Кимки фақат таҳририят эмас, халқ олдиди, тарих олдиди масъулият ҳис этса, иши олдинга юради. Халқни, миллатни, яхшиликни, эзгуликни, ҳақиқатни биринчи ўринга қўйса ва шу йўлда курашса, ундай журналистлар ҳақиқий халқ хизматчисига айланади. Мақсад шуки, журналистика доим ривожлансин. Бунинг учун юртимизда ҳамма шароит яратиб берилган.

Байрам муборак, азиз ҳамкасблар!

Республикаимиздаги кўп сонли журналистларни, касбдош дўстларимни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан чин дилдан табриқлайман. Бу сана матбуотнинг қанчалик улуглигини, жамият учун қанчалик кераклигини эслашиб турувчи ва журналистларнинг ҳар бир қилаётган иши, ҳар бир айтганган сўзи, чиқараётган ҳар бир мақоласи жамият, халқ учун, халқнинг яхши, фаровон яшашини учун, мамлакатимиз тараққиёти учун хизмат қилиш кераклигини унутмасликка чорловдир. Давлатимиз раҳбари бошчилигида кечаётган ислохотлар кўзгуси бўлган миллий матбуотимиз равнақи йўлида меҳнат қилиш — саодат.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Нодир МАҲМУДОВ ёзиб олди.



Алишер ҲОТАМОВ,
Янгиҳаёт тумани ҳокими
ўринбосари

Янгиҳаёт туманида жараёнларни ташкил этишда ёшларнинг қизиқиши, ижтимоий ҳолати, таълимга муносабати ҳамда касб танлашга интилишлари чуқур ўрганилиб, ёш фаслини мазмунли ўтказишга қаратилган кенг қамровли режа ишлаб чиқилди. Туманда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар сони 24 минг 570 нафар бўлиб, уларнинг ҳар бирига муносиб шaroит яратиш, қобилиятини рўйбга чиқариш учун зарур муҳит шакллантириш катта масъулият ташкил қилади. Ушбу қатлам орасида алоҳида эътибор талаб қиладиган ёшлар ҳам мавжуд. Хусусан, алоҳида назоратда турувчи ёшлар сони 153 нафар бўлса, хатлов давомида жами ишсиз 141 йигит-қиз ҳамда болалиқдан ногиронлиги бўлган 629 ёш аниқланган. Мазкур рақамлар орқали ҳар бир ҳолатни чуқур ўрганиш, эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ёндашиш зарурати янада ойдинлашди. Негаки ёшлар билан ишлашда энг тўғри йўл муаммо пайдо бўлганидан кейин эмас, унга олиб келиши мумкин бўлган омилларни барвақт бартараф этишдан бошланади. Бўш вақтнинг самарали ташкил этилмаса, аниқ мақсаднинг йўқлиги, касб танлашдаги иккиланishлар эса айрим ҳолатларда салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Шу нуқтан назардан, илм, ҳунар, спорт ва жамоатчилик ишларига кенг жалб этиш орқали ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишга қўмаклашиш “Долзарб 90 кун” дастурининг устувор мақсадлари сирасига киради. Дастурда ижтимоий ҳимоя масалаларига алоҳида ўрин ажратилган. Унга кўра, Мехрибонлик уйининг битирувчиси бўлган 2 нафар чин етим тўлиқ жиҳозланган, замонавий хонадонлар билан таъминланади. Шунингдек, ижтимоий реестрда турган оилалар фарзандларини ўқув марказларида бепул ўқитиш тизими йўлга қўйилмоқда. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун ёнги оромгоҳларда бепул дам олиш имконияти яратилипти. Оилавий шароит сабабли орзуларидан воз кечиш ҳолатларининг олдини олиш ана шундай манзилли ёндашув орқали таъминланади. Шубҳасиз, билим олиш имкониятининг кенгайиши қўллаб йигит-қизларнинг ўз иқтидорини рўйбга чиқаришга замин яратади.

Имконияти чекланган ёш иқдоркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида расом ва ҳунарманд ёшлар иштирокида “Сен кучлисан”



Долзарб 90 кун

Ёшлар қалбига эзгу мақсадларни сингдириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, замонавий билим ва касб-ҳунарга йўналтириш, иқтидорини юзага чиқариш, фойдали машғулотларга жалб қилиш кенг жамоатчилик иштирокини талаб этадиган умуммиллий вазифадир. Ана шу эҳтиёж ва ҳаётий заруратдан келиб чиққан ҳолда жойларда “Долзарб 90 кун” тадбирлари кенг қулоч ёйди. Мазкур ташаббус ёнги таътилни ёш авлод камолотига хизмат қиладиган имкониятлар фаслига айлантиришни назарда тутди. Маҳаллалар, умумтаълим мактаблари, давлат ташкилотлари, жамоатчилик институтлари ҳамда фаол фуқароларни айна мақсад атрофида бирлаштирган ушбу ёндашув ёшлар билан ишлаш тизимига буткул янгича мазмун олиб кирди дейиш мумкин.

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА УЙҒУНЛАШАЁТГАН ТАШАББУСЛАР

Янгиҳаёт туманида ҳам кенг қулоч ёймоқда

хайрия кўргазмалари ташкил этилади. Бундай тадбирлар орқали уларнинг иқтидори кенг жамоатчиликка намойиш этилади, меҳнати муносиб баҳоланади. Энг муҳими, бу ёшларда ишонч ва руҳий кўтаринкиликни мустаҳкамлайди.

Дастурда фаол фуқаролар учун ҳам рағбатлантирувчи ташаббуслар назарда тутилган. Улар Ўзбекистон миллий кино санъати саройига боради. “Аёллар дафтери”га киририлган хотин-қизлар учун Тошкент вилоятидаги сўлим “Livingstone” масканига саёхатлар ташкил этилади. Бундай эътибор инсонни қадрлаш, жамият ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини муносиб баҳолашнинг амалий кўринишидир.

Бундан ташқари, дастурдан ёшларни аниқ касб-ҳунарга йўналтириш, меҳнат қилиш кўникмасини шакллантириш ҳамда мустақил даромад топишга тайёрлаш вазифалари ҳам ўрин олган. Тумандаги “Келажак марказлари” томонидан “Ёнги касблар” тўғраракли ташкил этилмоқда. Уларда ёшлар АТ, мобил-логарифа, веб-дизайн, робототехника йўналишлари бўйича билим олиш имкониятига эга бўлади. Шу билан бир қаторда тикучилик, саргаришлик, ошпазлик ва кулолчилик сирлари ҳам ўргатилади. Техникумлар негизда электромонтаж ва пайвандлаш каби йўналишларда интенсив касб лагерлари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Қисқа муддатда амалий кўникма беришга қаратилган бундай машғулотлар меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликларни эгаллашга хизмат қилади.

Маҳаллаларда анъанавий “Устоз-шогирд” тизимининг жонлантирилаётгани ҳам дастурининг эътиборга молик жиҳатларидан. Тажрибали усталар бўш хоналар ва устaxonаларда ёшларга ҳунар ўргатади. Авлодлар ўртасидаги билим ва тажриба узвийлигини таъминлайдиган ушбу тизим халқимизнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибасига таянади. Унда ҳунар билан бирга масъулият, сабр, ҳалол меҳнатга ҳурмат



каби фазилатлар ҳам шаклланади. Ишсиз йигит-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида “Ёшлар 1+1” дастури доирасида тумanning 30 та маҳалласида ҳар бир тадбиркорга 1 нафардан ёш бириктирилмоқда. Шу билан бирга, уларда ташаббускорлик руҳини кучайтириш мақсадида бизнес режалар танловини ўтказиш, “Ёшлар тадбиркорлиги ҳафталиги” ҳамда “Чемпион тадбиркорлар” билан учрашувлар доирасида маркетинг, курьерлик ва сервис соҳаларида янги вакансиялар очилиши кўзда тутилган.

“Долзарб 90 кун” ташаббуси, шунингдек, ёшларда мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш, изланиш ва янгиликка интилиш кўникмаларини қарор топтиришни назарда тутди. Мазкур йўналишда замонавий технологияларни чуқур ўзлаштиришга хизмат қилувчи муҳим лойиҳалардан бири тумандаги 332-мактабда йўлга қўйилган “Ustoz AI” ташаббусидир. Ушбу лойиҳа доирасида ўқувчилар сунъий интеллект ва рақамли технологиялар бўйича дастлабки билим ва кўникмаларга эга бўлади. Тезкорлик ва аниқлиқни талаб этувчи



мактаб ўқувчилари ўртасида “Заковат” лигаси ташкил қилинади. Янгиҳаёт ёшлари яхши биладиган ва қизиқиш билан қутадиган “Қувноқлар ва зукколар” беллашуви ҳам дастурдан ўрин олган. Дастур якунида олий таълимга кириш кўрсаткичлари бўйича тумандаги энг кучли мактаб бешлиги аниқланади. Бу ташаббус таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ўқувчиларнинг интилишини кучайтириш, устозлар меҳнатини муносиб баҳолашга туртки беради.

Албатта, комил инсонни тарбиялаш фақат билим бериш ёки касб ўргатиш билан чекланмайди. Унинг қалбида гўзалликка меҳр ўйғотиш, миллий қадриятларга ҳурмат туйғусини мустаҳкамлаш, китоб билан дўстлаштириш, санъат орқали нафосатни ҳис қилишга ўргатиш ҳам бу йўлдаги муҳим босқичлардан. “Долзарб 90 кун” дастурида мазкур йўналишга кенг ўрин ажратилган бежиз эмас.

Шу ўринда туман миқёсида ўтказиладиган “Z avlod” форуми ва болалар анжумани хусусида тўхталिश жоиз. Аҳамиятлиси, мазкур тадбирлар орқали ёшлар ўз фикрини эркин ифода этиш, тенгдошлари билан мулоқот қилиш ва ташаббусларини илгари суриш имконига эга бўлади. Шунингдек, Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда “Энг яхши китобхон ўқувчи” танлови ўтказилиши режалаштирилган. Бундай танловлар мутлолаага қизиқишни ошириш билан бирга ўқувчилар ўртасида ижобий муҳитни қарор топтириб, фикрлаш доирасини кенгайтиришга ёрдам беради.

Ёз кунлари туман сайилгоҳлари ҳам ўзига хос ижод майдониغا айланади. Рассомлар кўргазмалари, маданият ҳафталиклари, миллий либослар кўни каби тадбирлар аҳолига байрамона кайфият бағишлайди. Очiq осмон остида туманимизнинг 5 та маҳалласи танлаб олинди, кино кечалари ташкил этилади. “Ёшлик киностудияси” фильмлари тақдироти, ёшларнинг

театрларга тизимли бориши эса уларнинг дунёқарашини бойитишга хизмат қилади.

Хотин-қизларга қаратилган ташаббуслар ҳам дастурунинг муҳим қисми. “Қизлар академияси” лойиҳаси орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, ҳаётий кўникмаларини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. “Юртим қадриятлари” танлови орқали миллий анъаналар, оилавий муносабатлар маданияти ва маънавий меросга ҳурмат туйғуси янада мустаҳкамланади. Дастурунинг кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотадиган жиҳатларидан яна бири миллий терма жамоамиз футболчиларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббуслардир. Жаҳон чемпионати ўйинларини стадионлар, марказий майдонлар ҳамда амфитеатрларда ўрнатилган йирик экранлар орқали жамоавий томоша қилиш учун шароит яратилмоқда. Мазкур хайрли ташаббус бир мақсад, бир туйғу атрофида жам бўлган юзлаб ёшларнинг қалбида Ватанга дахлдорлик, миллий гурур ва ҳамжиҳатлик туйғуларини янада мустаҳкамлашга ишончини қомил.

Янгиҳаётда ўтказиладиган футбол муسابакалари, туман прокурори кубоги учун кураш беллашувлари ёшларнинг жисмоний имкониятларини синовдан ўтказиш билан бирга уларни интизом, матонат ва ҳалол рақобат муҳитида тоблайтиди. Соғлом турмуш тарзини омаллаштириш мақсадида “Ёшлар спорт марафони” доирасида оммавий югуриш ва велосипед пойғалари ташкил этилади. Сузиш муسابакалари, фитнес ва Йога машғулотлари турли қизиқишга эга ёшларни қамраб олишда кўп келади. Хусусий сектор билан ҳамкорликда оммавий галаконцертлар ҳам ўтказилади. Экологик маданиятни юксалтиришга қаратилган “Табиятни асрайлик” акцияси орқали атроф-муҳитга эҳтиётхона муносабат, шахсий масъулият ва фуқаролик позицияси кенг тарғиб қилинади.

Дастурда фаол иштирок этган ёшларни муносиб рағбатлантириш мақсадида “Янгиҳаёт тумани ҳокими стипендияси” таъсис этилди. Унинг мактаб ва туман босқичлари ўтказилади. Туман босқичида голиб бўлган кучли 3 та мактаб сараланиб, билимли 45 ўқувчи 2026/2027 ўқув йили давомида стипендия билан таъминланади.

Мазкур стипендиянинг таъсис этилишини оддийгина танлов ёхуд навбатдаги рағбатлантириш воситаси сифатидагина баҳолаш мақсада мувофиқ эмас. У туманда билимни, изланишлар ва ташаббуслор ёшларни аниқлаш, уларнинг ютуқларини кенг жамоатчиликка намуна қилиб кўрсатиш барибозига ҳудуднинг таълим-тарбия муҳитига ижобий таъсир этадиган кучли рағбат манбаи ҳамдир.



Мирзафар БЕРДИАЛИЕВ,
мустақил тадқиқотчи

Бу борадаги ишлар аниқ тизим, мустаҳкам ҳуқуқий асос, молиявий механизмлар ва амалий натижаларга таянган ҳолда изчил кечаётир. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши, Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилиши ҳамда маҳаллаларда ёшлар билан манзилли ишлаш амалиёти ёшлар сиёсатини институционал жиҳатдан мустаҳкамлади.

Охириги йилда ёшларни қўллаб-қувватлаш, мустақил ҳаётга тайёрлаш ва оёққа турғизиш мақсадида 130 дан ортиқ

Янги Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири. Бу халққил сиёсат юртимиздаги 22 миллиондан зиёд ўғил-қизга шароит яратиб, ҳаётий манфаатларини таъминламоқда. Уларга сифатли таълим ва тарбия бериш, замонавий касб-ҳунарлар ва ҳорижий тилларни ўргатиш, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун зарур шарт-шaroитлар яратиш энг асосий вазифамиз ва бурчимизга айланган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Уларнинг мазмун-моҳиятида ёшлар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уй-жой билан таъминлаш, давлат хизматларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишда имтиёз ва енгилликлар бериш каби улутвор гоьлар ётади.

Давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатида иккита энг муҳим йўналиш бор: биринчиси уларга замонавий билим бериш бўлса, иккинчиси ёшлар бандлигини таъминлашдир. Кейинги йиллардаги ислохотлар, ташаббус ва янги тизимлар замирида ана шу мақсад муваффақ.

Таълим соҳасида ёшларнинг билим ва иқтидорини ривожлантириш мақсадида янги-чи шакл ва мазмундаги Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар тизими яратилди. Умуман, барча мактабларга эътибор, ўқитувчиларга рағбат ва ҳурмат ошди. Ёш авлодда билимга интилиш кучайди.

Республикаимиздаги ўрта таълим мактаблари сони 11 минг 171 та, ботчалар сони эса 38 мингдан ошиб, мактабгача таълим тизими-га болаларни қамраб олиш кўрсаткичи 78 фоизга етди. Марказдан олиш ҳудудларда ҳам болаларнинг ҳар томонлама камол топиши, эрта ёшдан билим ва тарбия олиши учун зарур шароит яратадиган мактабгача таълим тизими кириб борди.

Илгари олий таълимга кириш мураккаб, битта ўрин учун ўнлаб ёшлар рақобатлашган ва олийгоҳлар ёшларнинг таълим эҳтиёжи учун етарли бўлмаган бўлса, бугунги кунда

уларнинг сони 215 тага етди. Шу билан бирга, мактаб ва академик лицей битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фозидан 44 фоизга ошди.

Иқтидорли ёшларга стипендия ва грантлар ажратилиши, эҳтиёжманд оилалар фарзандларини ҳамда ҳорижий илгор таълим даргоҳларида тахсил олаётган ёшларини қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар ёшлар саломатлигини рўйбга чиқаришга хизмат қилмоқда. 110 мингдан ортиқ ёшнинг дунёнинг ТОП-300 рейтингига кирувчи университетларида тахсил олаётгани янги Ўзбекистон ёшларининг жаҳон таълим майдонида ўз ўрнини топаётганидан далолат беради.

Ёш авлоднинг ҳорижий тилларни билиш кўникмаларини рағбатлантириш мақсадида йўлга қўйилган халқаро имтиҳон харажатларини қоплаш дастури катта самара бермоқда. Дастур доирасида ўтган йили 17,3 минг ёшга 38,7 миллиард сўм ажратилган.

Бундай имкониятлар натижасида мамлакатимиз ёшлари жаҳон ҳам олимпиадаларида нуфузли ўринларни қўлга киритмоқда. Ёшлар томонидан яратилган стартап лойиҳалар АҚШ, Жанубий Корея, Буюк Британия ва БАА бозорларида кириб бормоқда.

Ҳар йили меҳнат бозорига 600 мингдан ортиқ ёш кириб келмоқда. Бу жуда катта иқтисодий куч, шу билан бирга, долзарб ижтимоий масала ҳам. Шу боис, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича имтиёзлар доираси ҳам изчил кенгаймоқда ва ёшларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйиши учун қатор амалий чоралар кўрилкоқда.

“Ёшлар дафтери” тизими ёшлар билан ишлашда янги босқични бошлаб берди. Тизим орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз, касб-ҳунар ўрганишга эҳтиёжи бор, оғир шароитда қолган ёшлар аниқланиб, уларга манзилли ёрдам кўрсатилмоқда. Масалан, 2025 йилда Ёшлар бандлиги дастури орқали 354 минг ёш иш билан таъминланган. Шунингдек, 91 мингдан ортиқ ёшга 2 триллион 663 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар, 18 минг ёшга субсидиялар, 2,5 минг ёшга 1,3 минг гектар экин майдонини ажратилган ҳамда 4489 та талабанинг 199 миллиард сўмлик бизнес лойиҳалари молиялаштирилган.

Юртимизда ҳар йили 270 мингта ёш оила пайдо бўлмоқда. Уй-жой, ўқиш учун тўловлар,

ҳам муҳим ўрин эгалламоқда. Шу мақсадда 1,5 мингдан зиёд маҳаллада 1774 та замонавий спорт майдончаси барпо этилди. Худудларда 200 дан ортиқ йирик спорт иншооти, 4 мингта яқин хусусий спорт клуби иш бошлади. Натижада спорт билан профессионал шугулланувчи ёшлар сони 2 қарра, олимпия терма жамоалари спортчилари 2 баробар, паралимпия бўйича эса 3 баробар кўпайди.

Бу саъй-ҳаракатлар халқаро майдонда ҳам амалий натижасини бермоқда. Хусусан, 2024 йилги Париж Олимпиадасида мамлакатимиз тарихдаги энг яхши натижага кўрсатиб, 208 мамлакат орасида 13-ўринни эгаллади. Шунингдек, Ўзбекистон спортчилари 2018 йили Жакарта шаҳрида ва 2022 йили



солиқ имтиёзлари каби енгилликлар уларнинг ҳаётга ишончини мустаҳкамламоқда.

БМТ маълумотларига кўра, ҳозир дунё бўйича 417 миллиондан ортиқ болага таълим, тиббий хизмат, уй-жой, озиқ-овқат етишмайди, 273 миллион бола мактаб таълимидан четда қолмоқда. Шундай мураккаб глобал шароитда мамлакатимизда болалар 100 фоиз мактабга бориши, ўқиб, ҳунар ўрганиб, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши юракда шукроналик ҳиссини уйғотади.

Ёшлар сиёсатида спорт соҳасини ривожлантириш

Ханжой шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида кетма-кет 5-ўринни эгаллади.

Футбол бўйича миллий терма жамоамизнинг 2026 йилги жаҳон чемпионатида илк бор йўланма олгани ҳам мамлакатимиз спорт тарихида янги саҳифа очди.

Паралимпия спортларида юртимиз спортчилари ишончли натижаларга эришмоқда. Токио — 2020 ва Париж — 2024 Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон энг кучли паралимпия жамоалари қаторидан жой олди. Бу ютуқлар спорт соҳасидаги тизимли

ислохотлар, имконияти чекланган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иродаси, иқтидори ва салоҳиятини рўйбга чиқариш учун яратилаётган шароитларнинг амалий ифода-сидир.

Президентиимиз ёшлар билан доимий мулоқот қилиб, фикр ва тақаббусларини тинглаб келмоқда, истиқболли ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда. Шу мақсадда 30 июннинг Ёшлар кўни сифатида белгиланиши, Ўзбекистон ёшлари форумининг мунтазам ўтказиб борилиши, ҳоким ва ёшлар учрашувлари йўлга қўйилиши ёшлар сиёсатида қаратилаётган юксак эътибордан дарак.

Натижада ёшлар билан ишлаш фақат умумий тадбирлар даражасида эмас, балки ҳар бир йигит-қизнинг эҳтиёжи, имконияти ва ҳаётий шароитини ҳисобга олган ҳолда ташкил этила бошлади.

Бу жараён таълим, бандлик, тадбиркорлик, ижтимоий ҳимоя, замонавий касблар, ахборот технологиялари, ҳорижий тиллар, спорт ва маданият соҳаларида улкан натижаларга замин бўлаётир.

Давлатимиз раҳбари ёшларга мурожаат қилиб, уларни илм олишга, янгича гоьлар илгари суришга, кашфиётлар ва истиқболли лойиҳалар яратишга, изланиш ва ҳаракатдан тўхтамасликка даъват этмоқда. Энг муҳими, давлат ёшларнинг ҳар бир ташаббуси, билимга интилиши ва яратувчанлик салоҳиятини доимо қўллаб-қувватлашга тайёр.

Энди ёш авлод учун имкониятлар янада кенгайди. Жорий йилда қабул қилинган “Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030” стратегиясида катта марралар олинди. Хусусан, келгуси беш йилда ипотека кредитлари ва субсидиялари асосида 40 мингта ёш оилани уй-жой билан таъминлаш, халқаро бозорга чиққан стартаплар сонини 400 тага етказиш ва ушбу лойиҳаларини ишга тушириш натижасида ёшлар учун 20 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш каби мақсадли кўрсаткичлар белгиланди.

Яратилаётган имкониятлар ёшлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Бугунги ёшлар беришган имтиёз ва шароитлардан самарали фойдаланиб, билимни, рақобатбардор, ташаббускор, замонавий фикрлайдиган ва Ватан тақдирига дахлдор авлод сифатида шаклланиши зарур. Зеро, Ўзбекистоннинг келажиги, аввало, ўз билими, меҳнати, интилиши ва ватанпарварлиги билан юрт раванакига ҳисса қўшадиган ёшлар қўлидадир.



Ўзи ҳаёт ҳаракатдан иборат, ҳаракат қилган одам узоқ-узоқларга бора олади. Қўл-оёқлар, бутун тана аъзолари ҳаракатга келса, улар узоқ вақт яшайди. Шунинг учун бутун дунёда инсонлар жисмоний тарбия билан шуғулланади. Жисмоний машқ қилган тана аъзолари куч-қувватга тўлиб бораверади. Ишлатилмаган тана аъзоси эса охир-оқибат ялқовлашиб қолади.



Дунёда китобдан яхши дўст йўқ

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, инсон китоб ўқиш, янги билимларни ўзлаштиришни бошлаганда дастлабки пайтларда нега бошида оғриқ пайдо бўлади? Олимларнинг таъкидлашича, бу пайтда миёга одатдагидан кўпроқ қон боради. Қон билан озуқа, кислород кўпроқ ташилади. Натижада миёдаги катта-кичик қон томирлари кенгайиб, мианинг ҳажми ҳам муайян даражада ўзгаради. Кенгайиш табиий равишда оғриқ ҳиссини беради.

Одам жисмоний машқларни бошлаганда ҳам қўл, оёқ, белдаги мушакларда оғриқ пайдо бўлади. Машқ қилвергач, мушаклари юкламага мослашади, кейин машқлар танага ҳузур бағишлайди, сабаби тана аъзоларига кўпроқ қон, қон билан озуқа, кислород боради. Бора-бора инсон жисмоний машқ қилмаса, ўзини яхши ҳис қилмайдиган бўлиб қолади.

Мия ҳам худди шу тартибда ривожланади. У ўзининг асосий машқи бўлган китоб ўқиш, билимларни ўзлаштириш билан бакуватлашади.

Инсон китоб ўқиётганида миёси видеоотас-вир томоша қилиш ёки аудиокитоб тингладан кўра интенсивроқ ишлайди. Жаҳондаги йирик институтларда ўтказилган бир қанча магнит-резонанс томография тадқиқотлари ўқиш ва мия ўртасидаги бевосита боғлиқликини тасдиқлайди. Чунки ўқиш жараёнида мианинг бир неча — кўриш пўстлоги, нутқ марказлари, тасаввур ва хотира учун жавоб берадиган соҳалари фаоллашади.

Шунингдек, янги нейрон алоқалар мустаҳкамланиди ва шаклланади, натижада когнитив жараёнлар яхшиланади. Бошқача айтганда, китоб ўқиш орқали мианинг мураккаб ривожланиши содир бўлади, Нафақат саводхонлик, балки мантиқ, ижодкорлик, танқидий фикрлаш ҳам шаклланади.

Бундан ташқари, хотира ва концентрация яхшиланади, чунки ўқиётганда инсон диққатни жамлаши ва ҳикоянинг турли тафсилотларини эслаб қолиши керак. Эмпатия ривожланади, яъни инсон бошқаларнинг ҳис-туйғуларини яхшироқ тушунишни ўрганади. Яна стресс даражаси камаёди. Атиги 6 дақиқа ўқиш стресс гормони — кортизол даражасини 68 фоиз камайтириши тадқиқотларда исботланган.

Ўқиш жараёнида миёда бир вақтнинг ўзида визуал идрок ишлайди, тасаввур фаоллашади, сўз ва гапларнинг семантик таҳлили содир бўлади, хотира яхшиланади.

Мианинг самарали фаолиятини таъминлайдиган нейронлар сони кўпаяди, ҳаёт сўқмоқларида баъзан турли стрессли ҳолатлар, номақбул одатлар туфайли ожизланиб қолган нейронлар қайта жонланади. Мианинг ахборот ва маълумотларни қабул қилиш, таҳлил этиш ва сақлаш қобилияти ортади. Интеллектуал салоҳият кўтарилга бошлайди.

Китоб ўқиш туфайли ҳар бир аъзонинг функционал вазифасини яхшироқ бажариши, меъёрга ишлаши учун масъул мия бўлмаларининг бошқариш хусусияти кучаяди.

Босиқ ва барқарор характер, асаб, ғазабни бошқариш кўникмаси шаклланади. Ички босиқлик ташқи хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Атроф-муҳитда бўлаётган воқеа, ҳодисаларни босиқлик билан қабул қилиш, таҳлил этиш, шошма-шошарлик билан эмас, вазиятга қараб тўғри ҳулюса чиқариш иқтидори, сабр, ирода пайдо бўлади.

Рационал фикрлаш қобилияти, тафаккур қилиш кўникмаси ортади. Инсондаги ёмон, тушкун фикр-ўйлар ўрнини эзгулик эгаллайди. Жамиятда ўзини муносиб тутиш шаклланади. Юксалишга интилиш, жамиятда олдинги сафларда бўлиш хоҳиши кучаяди.

Шунингдек, ён-атрофдагилар билан муомала маданияти ўсади. Жамиятдошлар,



маҳалладошлар, ёру биродарлар билан ўзини кўрсатиб қўйиш пойгасига киришдек номақбул инстинктив истаклар ўрнини бир-бирини тушуниб яшаш, ҳўрмат-иззат кўникмаси эгаллайди.

Инсоннинг оила тутиш, рўзғор юритиш, фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш иқтидори янги поғонага кўтарилга бошлайди, оила учун иқтисодий барқарорликни таъминлаш, аввалгидан кўпроқ моддий неъматларни излаб топиш имкониятлари ортади.

Ҳаётнинг иқтисодий ва маънавий таъминотини ташкил қилиш учун керак бўлган билимларни, касб-ҳунарни ўзлашти-

риш осонлашади. Турмуш чорраҳаларида юзага келадиган муаммо ва масалаларни ечиш, қийинчиликларни ишонч билан енгиб ўттиш малакаси шаклланади. Ҳар бир ишни бажаришда сифат кўрсаткичлари яхшиланади.

Бундан ташқари, масъулият ҳисси янги поғонага чиқади. Доим китоб ўқийдиган инсонда масъулият тўйғуси елкага юк эмас, балки оддий ҳаёт тарзига айланади. Истеъмолчилик амалиёти ўрнини яратувчанлик қобилияти эгаллайди. Янги маҳсулот, технологияларни кашф қилиш иқтидори пайдо бўлади.

Ҳозир кўпчилик ижтимоий тармоқлардаги кичкина-кичкина постларни ўқишга одатланиб қолган. Қисқа постлар қандайдир ахборотларни етказишга мўлжалланган, улар мия хусусиятини ўстришга деярли хизмат қилмайди, аксинча, кичик диапазонда ишлашга мослаштириб қўяди. Мия кенг диапазонда ишлаши учун уни шунга мажбур қилиш керак. Бу жуда ҳам оддий ҳаёт ҳақиқати, инсон тана аъзоларининг биологик, физиологик яшаш тарзи шунақа.

Ўзи ҳаёт ҳаракатдан иборат, ҳаракат қилган одам узоқ-узоқларга бора олади. Қўл-оёқлар, бутун тана аъзолари ҳаракатга

келса, улар узоқ вақт яшайди. Шунинг учун бутун дунёда инсонлар жисмоний тарбия билан шуғулланади. Жисмоний машқ қилган тана аъзолари куч-қувватга тўлиб бораверади. Ишлатилмаган тана аъзоси эса охир-оқибат ялқовлашиб қолади. Мия ҳам тананинг бир аъзоси сифатида ишлашга мажбур қилинмаса, у қандай кучайсин? Мианинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий тарбияси китоб ўқиш, янги билимларни ўрганишидир.

Шунинг учун юртимизда китобхонликни оммалаштиришга кенг эътибор қаратилляпти. Яқинда старт олган Миллий китобхонлик ҳаракати бу борада янги босқичга кўтарилишни таъминлаши шубҳасиз.

Кенг китобхонлик маданияти тарғиботи ортида фарзандларимизнинг бахтли, муносиб ҳаёти, уларни катта ва ёрқин ҳаётга тайёрлаш мақсади ётибди.

Фарзандим келажакда яхши яшасин, иқтисодий-маданий ривожланган жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топсин деган ота-оналар фарзандларини китоб ўқиш, янги билимларни ўзлаштириш сари етаклаши шарт. Шунда улар мақсадига эришади. Зеро, дунёда китобдан яхши дўст йўқ.

Мизроб БЎРОНОВ,
фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори



ТАФАККУР ВА ВОҚЕЛИК КЕСИШГАН НУҚТА

Бугун инсониятни безовта қилаётган ва албатта, жавобини топиш керак бўлган саволлар пайдо бўлди. Бу саволлар ташқи дунё ҳақида эмас, балки айнан ўзимиз ҳақимизда: “Биз ҳақиқатан яшаямизми ёки фақат томоша қиялпмизми?”. Ушбу саволни бугунги жамиятга қараб эмас, бир лаҳзагина ўзимизга қарата берсак, унинг жавоби янада оғирлашади.

Яшаш фақат кун ўтказишдан иборат эмас, у маъно излаш, қадриятларга суяниш, ўзликини сақлаш, шунингдек, фарзанд тарбиясида, меҳнатда ва муносабатларда ўз изини қолдиришидир. Ахир инсон ҳаёти унинг қандай вақт ўтказгани эмас, балки нима учун яшагани билан белгиланади. Ҳўш, биз бу тушунарларни қаердан ўрганганмиз?

Бир пайтлардаги оддий ўзбек хонадонларини эслайлик. Кечқурун оила даврасида, чой устида дилдан суҳбатлар бўларди. Катталар ҳаётидан мисоллар келтирар, кичиклар эса тингларди. Бу шунчаки вақт ўтказиш эмас, балки тарбия ва маърифат эди. Биргина оддий гап ёки нахшат кимнингдир бутун ҳаётига таъсир қилиб, уни ўзгартириб юбориши мумкин эди.

Яна бир мисол: илгари китоб ўқиш фақат билим олиш воситаси эмас, балки атрофдагиларнинг ҳурматини қозонишга сабаб бўладиган омил эди. Қишлоқларда ҳам, шаҳарларда ҳам китобхон ва зиёли одамга алоҳида эҳтиром кўрсатиладди. Чунки у илгор фикрловчи ҳамда билимли инсон сифатида қадрланарди.

Бугун-чи? Бугун ўша чой устидаги суҳбатларнинг ўрнини телефон эгаллади. Бир хонадонда ўтирган одамлар бир-бири билан эмас, экран билан “суҳбатлашмоқда”. Улар бир-бирини эшитмайди, лекин тармоқ орқали бошқаларни кузатиб, аксарият ҳолларда бекорчиликдан уларнинг ортидан ғийбат қилади.

Тўйларимизга назар ташлайлик. Илгари тўйда қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар дийдорлашиб, дилдан самимий суҳбат қулар, ёши улугларнинг дуоси олинарди. Асосийси, тўйга элга дастурхон ёзиб сыйлаш ва дийдор воситаси деб қараларди. Бугун-чи? Бугун тўйларимизни янгича удумлар ўйлаб

топиладиган беллашув майдони десак ҳам бўлади. Энг ёмони шуки, буни катталаримиз, қуд-андаларнинг ўзи бошлаб берапти: кимдир узук таққан, кимдир қудасининг бўйнига пулдан “маржон” осган, яна биров умра зиёратига йўланма совға қилган. Бу қатордан ёшлар қолиб кетса бўлмас! Улар ҳам кўз кўриб, қўлоқ эшитмаган удумларини ўйлаб топишмаса, замон замон бўлмай қоладигандек: қайсидир кўёв ўз жуфти билан оққуш рақсига тушмоқда, бошқа бир келин кўёвга атаб қўшиқ қўйламоқда, айримлари эса ҳамманинг кўз ўнгига торт туфайли калтакланмоқда. Ҳозир эса тўй кўп ҳолларда шунчаки кўз-кўз қилиш маросимига



деб тушунтириш осон. Лекин бу ерда яна бир чуқур жараён турибди: одамлар аста-секин жамият иштирокчисидан томошабинга айланиб бормоқда.

Нил Постман бир пайтлар медиа жамиятини кўнгилочар шаклга буриб юбораётганини таъкидлаган эди. Бугун биз бу фикрнинг тасдиғини ўз ҳаётимизда кўряпмиз: ҳатто жиддий мавзудар ҳам қисқа, тасъирли, лекин юзаки форматга айланиб қолмоқда.

Ги Дебор эса жамият томошагоҳга айланади деган эди. Буни тушуниш учун узоққа бориш шарт эмас: ижтимоий тармоқларда ҳар ким ўз ҳаётининг борини эмас, балки унинг фақат энг чиройли парчасини намоён этиб қолди. Бундан эса шу парчани ахлит ҳақиқат деб қабул қилади.

Бунинг психологик таъсири ҳам жуда оғир. Ёшлар орасида тез машҳур бўлиш истаги кучайиб борапти. Сабр, меҳнат ва билим каби қадриятлар орқага суриляпти. Чунки улар тез натижа бермайди-да. Лекин экрандаги муваффақият осон ва тез қўлга киритилгандек кўринади. Ёшлар орасида тез машҳурликка интилиш шунчаки орзу эмас, балки атроф-муҳит таъсирининг самараси. Чунки улар кўраётган дунёда меҳнат жараёни эмас, фақат натижада эришилган ютуқ намоён қилинади.

Яна бир оғриқли ҳолат: китоб ўқиш камаймоқда, бироқ ахборот истеъмоли ортиб бормоқда. Яъни инсон кўп нарсга кўряпти, лекин кам нарсани англаяпти. Бу эса фикрлаш тарзининг юзақиллашувига олиб келади. Қисқа қилиб айтганда, китоб инсонни тафаккур қилишга ундаса, ижтимоий тармоқ уни шунчаки реакция билдиришга ўргатади. Фикрлаш секин жараён, реакция эса тезкор бўлгани учун кўпчилик вақтдан ютдик деб ўйлаб, ҳақиқий яшаш бахтини бой бермоқда.

Энг даҳшатлиси шундаки, туғилиши билан онаси томонидан қўлига телефон бериб овутилаётган бугунги авлоднинг соғлиғи ва келажакда хавф остида. Чунки телефон билан овунаётган ёш авлод орасида “рақамли аутизм” (экран олдида ҳаддан ташқари кўп вақт ўтказиш натижасида жонли мулоқот қўнималарининг йўқолиши, эмпатиянинг пасайиши ва атроф-муҳитга қизиқишнинг камайиши билан тавсифланувчи ҳолат), кўз нурунинг хираланиши каби ташхислар сезиларли даражада ортиб бормоқда. Энди

тасаввур қилиб кўринг: агар бу ҳолат давом этса, келажак авлод қандай аҳволга тушади? Бу ҳақида ўйлашнинг ўзи даҳшат.

Экран орқали овутилаётган бола жим бўлиши мумкин, лекин у одатдагидек ривожланмайди. Ахир жонли мулоқот, ҳиссий алоқа ва атроф-муҳитни ўрганиш бола учун асосий эҳтиёж ва руҳий озуқа-ку! Агар бу эҳтиёж экран билан алмаштирилса, натижада мулоқотдан қочади, эмпатияси паст ва диққати тарқоқ авлод шаклланади.

Шу ўринда қўридаги саволни яна такрорлаймиз: агар шу тарзда давом этсак, келажакимиз қандай бўлади? Қадриятлар қаерга йўқолади? Миллий руҳни ким сақлаб қолади? Лекин энг муҳим бурилиш бу саволларни ўзимизга беришдан бошланади: мен ўзи нима қиялпман? Фарзандимга нимани кўрсатялман — экранними ёки китобни? Мен суҳбатни танлайманми ёки сукутни? Ўз ҳаётимни яшайманми ёки фақат бошқаларникини кузатылманми?

Чунки жамиятни четдан кимдир келиб ўзгартириб бермайди. Уни ҳар кунни ўз танловларимиз орқали ўзимиз шакллантирамиз. Бунинг ечими катта эмас, лекин жуда муҳим: оилада жонли суҳбатни яна тиклаш — муҳим ислоҳот. Китобни қўлга олиш — эзгу кураш. Фарзандга китоб ажратиш — келажакка киритилган сармоя. Мазмунли фикрни бўлиштириш ўзи ҳам бир маърифатдир.

Яна ўша саволни берамиз, лекин бу сафар у юракка яқинроқ жарағлайди: биз ҳақиқатан яшайамизми ёки фақат томоша қиялпмизми?

Агар фақат томошабин бўлиб қолсак, бизнинг ўрнимизга ким яшайди? Агар биз қадриятларимизни асрамасак, уларни ким сақлаб қолади?

Бунинг жавоби оғир. Лекин у мавжуд. Ва у ҳар биримизнинг қундалик танловимиз замирида яширинган.

Аҳрор ЖАББОРОВ,
журналист

